



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ULTRAMAX ROAD BUILD" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ULTRAMAX ROAD BUILD" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.01.2022

1088049

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana. oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

309219859

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Otchopar-2 МФЙ, Чинобод кучаси,
85-уй,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



ШАРТНОМА №- 8

(ЛОТ- 22110012169411)

" 8 " Июль 2022 йил.

Сирдарё

Бу юртмачи бўлган кейинги ўринларда "Бу юртмачи" деб **Ўзбекистон Республикаси ИИБ Сирдарё вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошкармасининг махсус эксплуатация-монтаж бўлими** номидан **Рахбар А. Тухтамишев**, Низом асосида иш юритувчи бир тарафдан ва кейинги ўринларда "Ижрочи" деб **«МЎЖ "Ultramax Road Build" аталувчи номидан Рахбар М. Мирализов**, Низом асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Давлат харидлари электрон тизимида танлов ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи бу юртмага асосан қуйидаги кўрсатилган махсулотларни (курсатилган хизмат) етказиб беради, "Бу юртмачи" эса махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини олади.

Спецификация:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Товар сони	Бирлик учун бошланғич нарх	Бирлиги учун келишилган нарх ККС билан	Позиция учун келишилган сумма ККС билан
1	Машина - для дорожной разметки Шмель 11 А (Газель 3302)	дона	1	1 100 000 000	1 078 000 000	1 078 000 000
Жами						1 078 000 000

Шартноманинг умумий суммаси: 1 078 000 000 (бир миллиард етмиш саккиз миллион) СУМ, ККС билан

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Шартнома амалга ошириладиган сунг Бу юртмачи "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига шартноманинг умумий суммасидан 15% олдиндан (аванс) туловини амалга оширади. Шартнома суммасидан қолган 85% туловни махсулотни қабул қилиб олгандан сунг талаб беради.

2.2. Ижрочининг ҳисоб рақамига 15% тўлов амалга оширилганидан сунг 30 иш кун ичида товарни етказиб бериши шарт.

2.3. Бу юртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.

2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).

2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Бу юртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисобварақ-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бу юртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ижрочидан мазкур шартноманинг 1 бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш;
- Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб берганда Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:
 - талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни;
 - етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини;
 - мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгиланган даражада бажармаганлик.

3.2. Бу юртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Битим суммасининг 100% миқдоридagi тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда «Ижрочининг» ҳисобрақамига ўтказиши лозим;
- товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан келишиб олиш;

- 3.3. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:
 - Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш;
 - Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.
- 3.4. Ижрочининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:
 - товарни етказиб бериш санаси ва вақтини «Буюртмачи» билан келишиб олиш;
 - товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига кўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.
- 3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.
- 3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.
- 4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайди.
- 4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, ижрочидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима ижрочидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат қилишлари мумкин.
- 5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.
- 6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.
- 6.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш кунни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа

Договор №3 от 8.11.2022

томондан форс-мажор ҳолатлари етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олиншига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган захоти кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Сирдарё вилояти
ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати Йул ҳаракати
хавфсизлиги бошкармасининг махсус
эксплуатация-монтаж бўлими
Сирдарё вилояти, Марзаобд райони, Сирдарё вилояти

ХР: 6010108602422870310117903
Банк: *МБҲ ККМ ББ*
МФО: *ИЦН* 200322908



Тухтаминшев

ЮРИДИЧЕСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Настоящий Договор соответствует Закону «О Договорно – правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» а также иным нормативно – правовым актам, действующим в Республике Узбекистан.

ИЖРОЧИ

МChJ “Ultramax Road Build”

Toshkent shaxri,
Yunusabad rayoni, Chinabad, 85
XR 2020 8000 5054 8217 1001
AIKB “Ipak Yoli”
Bank M. Ulugbek filial
MFO – 00421 OKED - 46730
INN – 309 219 859



Raxbar: *M. Mirazizov*

Хуқуқшунос Ижрочи томонидан

Р. Алиева

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ
махсус эксплуатация монтаж
бўлими бошлиғи капитан
А.А.Тухтамишев



07 ноябр 2022 йил

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими Краска ёрдамида йул ётиқ чизикларини чизиш техникаси (газел базасида) олиш бўйича ўтказилган умумий йиғилиш

3-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

«07» ноябр 2022 йил

Мирзаобод туман

Харидлар бўйича ҳайъат раиси:

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими бошлиғи капитан А.А.Тухтамишев

Ҳайъат аъзолари:

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими Бош муҳандиси Ф.Б.Эгамбердиев

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими Бош ҳисобчиси Ж.Р.Умаров

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими иқтисодчиси И.Ғ.Нумонов

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими омбор мудири К.У.Баймуротов

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими бошлиғининг 2022 йил 7 ноябрдаги Харидлар бўйича ҳайъат аъзолари 5 нафар бўлиб улардан 5 нафари йиғилишда иштирок этди.

КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛА:

«Сирдарё вилояти ҳудудидаги йўлларда Краска ёрдамида йул ётиқ чизикларини чизиш (Газел базасида) техникасини олиш тўғрисида муҳокама»

Кун тартибига қўйилган масала бўйича бўлим бошлиғи А.Тухтамишев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига ўтказилаётган йиғилишнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида гапириб ўтди ва сўзни бўлим Бош муҳандиси Ф.Эгамбердиевга берди.

Бўлим Бош муҳандиси Ф.Эгамбердиев сўз олиб, бўлим тасарруфидаги мавжуд йўлларга Краска ёрдамида йул ётиқ чизикларини чизиш техникаси (Газел базасида) олиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш учун товар ҳом-ашё биржаси “e-xarid.uzex” да 2022 йил “26” октябр ЛОТ 9163352 рақами билан эълон жойлаштирилганлигини ва жойланган эълонда қўйилган талаб ва кўрсаткичлар тўғрисида гапириб “Краска ёрдамида йул ётиқ чизикларини чизиш (Газел базасида) техникаси”ни сотиб олиш заруриятлари тўғрисида таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда бўлими Бош ҳисобчиси Ж.Умаров сўзга чиқиб, барча йиғилиш иштирокчиларини “Краска ёрдамида йўл ётиқ чизиқларини чизиш (Газел базасида) техникаси”ни сотиб олиш бўйича қуйида номлари кўрсатилган фирмаларнинг тижорат таклифларини ўқиб етказди:

- 1) «Ultramax Road Build» МЧЖ, Рахбар: М.Миразизов
“Краска ёрдамида йўл ётиқ чизиқларини чизиш (Газел базасида) техникаси” 1 дона. – 1 078 000 000 сўм
- 2) «Geo Vista» МЧЖ, Рахбар: А.Т.Умаров
“Краска ёрдамида йўл ётиқ чизиқларини чизиш (Газел базасида) техникаси” 1 дона. – 1 095 000 000 сўм.

Шундан сўнг бўлим хайъат аъзоларига ушбу фирмаларнинг “Краска ёрдамида йўл ётиқ чизиқларини чизиш (Газел базасида) техникаси”ни сотиб олиш, ҳамда нархларининг муқобиллиги бўйича таҳлил қилинганда бир овоздан ИНН рақами: 309219589 “Ultramax Road Build” МЧЖнинг махсулоти, ҳамда нархи маъқул бўлди. Умумий йиғилиш қатнашчилари томонидан “Краска ёрдамида йўл ётиқ чизиқларини чизиш (Газел базасида) техникаси”ни хариди учун «Geo Vista» МЧЖ ни захира ҳамкорлик фирмаси сифатида мақулланди. Юқоридаги таклиф ва фикрларни инобатга олган ҳолда умумий йиғилиш


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўлим харидлар хайъати “Краска ёрдамида йўл ётиқ чизиқларини чизиш (Газел базасида) техникаси”ни сотиб олиш харидларини амалга ошириш бўйича ва икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги учун Тошкент шаҳар Чинобод куча 85 уйда жойлашган “Ultramax Road Build” МЧЖ ва рахбари М.Миразизов билан қонуний ҳужжатлар йиғилиб шартнома тузилсин.

Харидлар бўйича хайъат раиси: Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими бошлиғи капитан


_____ А.А.Тухтамишев

Харидлар бўйича хайъат аъзолари: Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими бош муҳандиси:


_____ Ф.Б.Эгамбердиев

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими бош ҳисобчиси:



_____ Ж.Р.Умаров

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими

иқтисодчиси:


_____ И.Ф.Нумонов

Сирдарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими омбр мудир:


_____ К.У.Баймуротов